



Саъдулла ҒАЙБУЛЛАЕВ



ЎЗ ТАРИХИНИ
ЯРАТГАН
ЗОТЛАР

*Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш
“Нуроний” жамғармаси Бухоро вилоят
Қорақўл тумани бўлинмаси*

Саъдулла ҒАЙБУЛЛАЕВ

ЎЗ ТАРИХИН ЯРАТГАН ЗОТЛАР

Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2015

УЎК: 94(575.15)(092)

КБК: 81.2 Ўзб-3

Ғ-17

Ғайбуллаев, Саъдулла

Ўз тарихин яратган зотлар: / С. Ғайбуллаев. – Тошкент: «Turon zamin ziyo» нашриёти, 2015. 140 бет.

ISBN 978-9943-4563-3-4

“Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан чоп этилган ушбу китобда Бухоро вилоятидаги Қорақўл туманининг кейинги 125 йиллик тарихи, аҳолининг тақдирида юз берган ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Шу юртда яшаб, меҳнат қилиб, ўз тарихини яратган айрим инсонлар тўғрисида имкон қадар маълумотлар берилди.

Муаллиф мазкур китоб бир кичик ҳудуд мисолида яқин тарихимизни янада теранроқ англашда юртдошларимизга ердამ беришига умид қилади.

Лойиҳа раҳбари ва зоя муаллифи:

Рўзиқул Ниёзов

Масъул муҳаррир:

Ғофир Қурбонов,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Тақризчилар:

Акбар Ғаниев,

фалсафа фанлари номзоди,

Тангри Ҳамроев,

тарих фанлари номзоди

Ишчи гуруҳ аъзолари:

Ҳасан Арабов, Сайли Бозоров,

Бектош Эргашев, Ғофир Қурбонов.

ISBN 978-9943-4563-3-4

© С. Ғайбуллаев,
© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2015 й.



СЎЗБОШИ

Ҳар қандай тарихнинг яратувчиси, унинг бевосита ижодкори халқдир, муайян жамиятга дахлдор катта-ю кичик инсонлардир. Бу азалий ҳақиқатни теран англаш, унинг мазмун-моҳиятини келгуси авлодларга етказиш қалбида маърифат-маънавият ёлқини порлаган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Тарихий хотиранинг мукам-маллиги замирида аҳли аждоднинг бугунги авлодлар учун қилган хизматларини чин дилдан эътироф этиш, доимо ёдда тутиш ва келажакка етказиш ётади. Зеро, бугун она-Ватанимизнинг ўзига хос кичик бир бўлаги бўлмиш Қорақўл заминида ўсаётган ҳар бир ниҳол япроқларида, қад кўтариб турган бинолар деворларида, биз ҳар куни ўтаётган кўчаларида, бизга ризқ-рўз бераётган поёнсиз далаларида, уларга об-ҳаёт бераётган ариқларнинг соҳиллари ва кўприкларида, завод дастгоҳларида ота-боболаримизнинг, сизу биз билан ёнма-ён умргузаронлик қилаётган катта авлод вакил-ларининг табаррук қўл ва оёқ излари бор. Биз мавжуд эканмиз, дастурхонимиз тўкин экан, фарзандларимиз бахтиёр, тинч, осуда ўсиб, улгайиб бораётган экан – буларнинг ҳаммаси дунё бойлиги-ни яратиб, уни ўзлари билан ортиб кетмаган аждодларимиз, бу бойликни бизга етказиш масъулиятини чин дилдан бажараётган ҳурматли отахону онахонларимиз, ака-опаларимиз туфайлидир. Бирор инсонга, кимлигидан қатъи назар, бу кундай равшан ҳақиқатни унутти, инкор этиш, унга беписандлик қилиш ҳуқуқи ҳеч қачон берилмаган ва берилмайди.

Шу маънода мазкур китобни мен Қорақўлнинг равнақига, шу заминда туғилиб-ўсиб, бошқа ҳудудларда ишласа-да, қалбини киндик қони томган тупроқдан узмасдан бутун Ўзбекистонимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган минглаб юртдошларимиз шарафига битилган ўзига хос миннатдорчилик китоби деб биламан. Бу китобда номи тилга олинган ҳар бир инсон, менинг назаримда, ана шундай тарзда эсланиш, авлодлар томонидан йўқланиш шарафига муносибдир. Шу жиҳатдан ушбу китоб катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки бугунги қилаётган хайрли

ишлари қачонлардир эъозланишини, ёдга олиншини, номига ва фарзандларига, неvara-чевараларига раҳмат келтиришини, бундай миннатдорчилик наслу насабини маънавий-руҳий жиҳатдан янада юксалтиришига хизмат қилишини англаган, маърифатдан бегона бўлмаган ҳар қандай инсон эзгулик йўлидаги ҳаракатларини ҳеч қачон тўхтатмайди. Зотан, маънавий куч, руҳий салоҳият ҳар қандай говни бартараф этишига, моддий-иқтисодий қийинчиликларни енгишига қодирдир. Президентимиз айтганидек: “Юксак маънавият – энгилмас кучдир”.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йилни “Кексаларни эъозлаш йили” деб эълон қилган ташаббусларига “Нуроний” жамғармаси Қорақўл тумани бўлинмаси фаолларининг, бир гуруҳ қорақўллик ижодкорларнинг ўзига хос тарздаги жавобидир. Шу сабабли бу хайрли саъй-ҳаракат ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига лойиқдир.

Менинг назаримда, китобнинг “Ўз тарихини яратган зотлар” деб аталишида чуқур рамзий маъно бор. Китобда номи йўқланишига муносиб кўрилган ҳар бир юртдошимиз қайсидир даражада ўз тарихини ярата олган, коммунистик мафкура тазйиқлари остида ҳам эзгуликлар қилишига имкон топа олган шахсдир. Китобни ўқиган ҳар бир инсон, аминмизки, бунга тўла ишонч ҳосил қилади ва туманимиз аҳолисининг қарийб 125 йиллик тарихий кечмишидан, бошдан ўтказган қувонч ва ташвишларидан, орзу-умидларининг рўёби ва тоталитар тузум туфайли юз берган уларнинг саробидан, мустақиллик туфайли ўз кадр-қимматини англаган юртдошларимизнинг эзгу интилишларидан бохабар бўлади. Умидимиз шуки, бу йўналишдаги ишлар яна тизимли равишда давом эттирилади, кўпчиликка номаълум номлар ва уларнинг қилган эзгу ишлари миннатдор омманинг мулкига айланади, яқин тарихимизнинг муҳр остидаги саҳифалари қайта очилиб, қалбимизни гурурга тўлдиради, истиклолнинг моҳиятини янада чуқурроқ англашимизга ёрдам беради, мустақиллик йўлида отаётган қадамларимизнинг жадал ва дадил, қутли-баракали бўлишига кўмакдош бўлади.

Матлуб Нуъмонов,

Қорақўл тумани ҳокими, вилоят Кенгаши депутати.

ЭЗГУ ОРЗУ-УМИДЛАР: РЎЁБ ВА САРОБ

1

Қоракўлнинг кейинги 125 йиллик тарихи... бу ҳақида ўйлаганингда манбаларда ёзилган, кекса авлод вакилларидан эшитилган кўплаб шодон ва маҳзун лавҳалар ҳаёлингга келади, воқеалар кўз олдинда элас-элас намоён бўлгандай туюлади. Бир-бирини тўлдирувчи ва баъзан инкор этувчи, зиддиятли воқеа-ҳодисотлар ҳақидаги маълумотларни имкон қадар таҳлил қилишга, уларга бугунги кун мезонларидан келиб чиқиб, баҳо беришга, аҳли жамият учун фойдали хулосалар чиқаришга уринасан. Чунки мамлакатимизда кейинги юз йил ичида ижтимоий-иқтисодий тузум, яъни 70-йиллар термини билан айтганда, “социал-иқтисодий формация” уч марта ўзгарди: эндигина куртак отиб келаётган капитализмни четлаб ўтиб, феодализмдан жаннат, хурлик, ялпи фаровонлик ваъда қилинган социализмга сакраб ўтдик. Бу тузум эса бир ўртача инсон умрини яшаб, яна бир янги эврилишларга ўз ўрнини бўшатиб берди... Бундай сакраб ўтишлар, мафкураларнинг алмашилиши, қарашларнинг ўзгариши қадим воҳамиз ҳаётида, унинг заҳматкаш инсонлари ҳаётида қандай из қолдирди? Одамларимиз ҳаёт қийинчиликлари олдида ўзларининг инсоний қадр-қимматларини, шаънларини сақлаб қола олдиларми?... Ушбу ва ундан келиб чиқувчи бошқа барча саволларга бир ёқлама жавоб беришнинг имкони йўқ. Чунки биз қаламга олмоқчи бўлган ўтган асрнинг 20-йилларидан кейин мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги туб ўзгаришлар Қоракўлни ҳам четлаб ўтмагани, айти пайтда мисли кўрилмаган турфа ғайриқонуний, ғайриинсоний ишларнинг авж олгани ҳам, афкор оммани ёппасига алдашлар ҳам, эътиқодлар поймол этилгани ҳам, большевистик тузум берган суякка алданиб, юртдошларнинг, кўниқўшнилари, хеш-ақраболарнинг хонавайрон қилингани, қиргин этилгани ҳам ҳақиқатдир. Зотан, танганинг икки томони

бўлади, унинг бир томони жилвасига маҳлиё бўлиб, иккинчи томонини кўрмасликка уриниш сўқирлик, калтафаҳмлик саналишини инкор қилиб бўлмайди.

1920 йил август-сентябрида Бухоро амирлигида юз берган “халқ инқилоби” ва унинг Қоракўлдаги ҳаётга ҳам таъсири ҳақида фикр юритишдан олдин, инқилоб арафасида юзага келган вазиятга ҳолисона назар ташлашга тўғри келади...

Бухоро амирлиги чор империясининг вассалига айланганидан кейин ўлкага Россия капитали фаол кириб кела бошлайди. Европача типдаги саноат корхоналари, биринчи навбатда ўлкада етиштирилган пахта ва бошқа деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар курила бошлайди. 1888 йилда генерал Анненков бошчилигида Закаспий-Тошкент темир йўли барпо этилади ва у томонидан Қоракўл темир йўл станциясига асос солинади. Темир йўл курилиши аҳолининг миллий таркибига бирмунча ўзгартириш киритади: курилиш давомида ва кейинчалик темир йўл станциясининг бехатар ишлашини таъминлаш учун Қоракўлга руслар, украинлар, европалик яҳудийлар, эронликлар (пирсиёнлар), татарлар, турли Кавказ халқлари вакиллари кўчиб келган. Темир йўлнинг барпо этилиши Қоракўлда Европача типдаги саноат корхоналарининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бундай корхоналарнинг биринчиси генерал Анненков станцияга туташ Тоштўқай қирида барпо этдирган вино заводи эди. Унинг қирдаги ер ости омборлари-га 40 минг бочка вино сиққан. Кейинчалик генерал ўз заводини франциялик корчалон Готьегга сотади. Готье собиқ жангчи Пинени бошқарувчи қилиб тайинлайди. Шу тариқа Қоракўлда етиштирилган узумлардан тайёрланган винолар бочкаларда Францияга олиб кетила бошлайди ва уерда чиройли этикеткалар ёпиштирилган бутилкаларга солиниб, олий навли француз виноси сифатида бутун дунёга тарқала бошлайди. Бу винолар 1893 йилда Чикагодаги (АҚШ) халқаро кўргазмада олтин медаль олади. Заводда асосан кавказликлар, эронилар ва европалик аҳоли вакиллари ишлашган ва улар маҳаллий аҳолидан узум қабул қилиб олишни йўлга қўйишган. Завод курилишининг бир

ижобий томони шундаки, бир неча француз узум навларини маҳаллийлаштиришга эришилган.

Қоракўлдаги иккинчи вино заводи грузиялик корчалон Жихадзегга тегишли бўлган. Расмий маълумотларга кўра, Қоракўл темир йўл станцияси орқали 1893 йилда 1800 пуд, 1912 йилда 10500 пуд вино жўнатилган.

Темир йўлнинг ва станциянинг қурилиши Қоракўлда яхудий бойи Левин томонидан яна бир саноат корхонаси – пахта тозалаш заводининг қурилишига омил бўлди. Ҳар йили 15 миң тоннагача пахтани дастлабки қайта ишлашга мослаштирилган заводда (1898 йилда барпо этилган) ҳам асосан европаликлар, кавказликлар, татарлар, эронилар ишлашган.

1890 йилда Истанбулдан Тошкентга қараб саёҳатга чиққан машҳур француз фотографи Поль Надар Қоракўлга оид биринчи фотосуратларни яратган. У акс эттирган ва бугунги кунда фотосанъатнинг нодир дурдоналари ҳисобланмиш бу расмларда қоракўлликларнинг 19 аср охиридаги қиёфаси, турмуш тарзи, кийиниш маданияти, хўжалик фаолияти (пахта, тамаки етиштириш), кўнгилхушликлари ифодаланган, генерал Анненковнинг Қоракўлда бўлиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланган, ушбу расмларнинг айримлари асосида ўз вақтида почта откриткалари чиқарилган. Мазкур асарларнинг асл нусхалари ҳозиргача Франция музейлари ва архивларида сақланади.

1883 йилдан бошлаб Қоракўлда Европанинг нуфузли фирмаларидан бири – Дюршмидт фирмасининг вакили иш кўрган, у ўша йили 22 миңга қоракўл тери ҳамда сўйилган моллар ичагининг 95 фоизини олиб кетган.

1894 йилдан бошлаб “Т/д Стукен энд Ко.” компанияси вакиллари Қоракўлдан кўй жунлари сотиб олиб, уни материал тайёрлаш учун Америка ва Польшадаги фабрикантларга етказиб беришган, кейин бу жунлар одеяло ва кўрпа шаклида ўзимизга қайтариб келтириб сотилган.

Бундан ташқари Қоракўлда татар бойларидан бири Қаюм Акчурун жун тайёрлаш саройи ва жунни пресслаш цехини, Бухоро корчалонларидан Убайдулла Хўжа (Файзулла Хўжаевнинг отаси) ва Муҳаммадюнусбой ўз тери саройларини очган. Бундай

тадбиркорлик ва савдо-сотик фаолияти аҳолининг иқтисодий аҳволига муайян таъсир кўрсатганлиги табиийдир.

1913 йилда темир йўл станцияси орқали Қорақўлга 38600 пуд дон, 13700 пуд ун олиб келинган.

Албатта, рус капитали иштирокидаги саноат билан бирга Қорақўлга тараққиётда илгари кетган миллатлар вакилларининг кўчиб келиши ҳам қорақўлликлар орасида фикрий уйғонишга олиб келганлигини инкор қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида қорақўллик Абдушукурбой исмли киши Чоржўйда пахта тозалаш заводи, Саидбой исмли киши эса Қорақўлда ун корхонаси куради.

Қорақўлнинг қоқ марказида афғонлар ва ҳиндларнинг карвонсаройлари мавжуд бўлиб, улар буерда савдо-сотик билан шуғулланганлар.

Чоржўй, Когон, Қорақўлдаги темир йўл хўжалигида ва саноат корхоналарида ишлаётган ҳамда ўзбекча ва русча саводхонликка эришган қорақўлликлар сони кўпая бошлади. Улар орасида “Кутулиш” газетаси, Абдурауф Фитрат асарларини, бошқа варақалар ва газеталарни ўқиб, ундаги жадидчилик ва социал-демократия ғояларини тарғиб қилувчилар пайдо бўлади.

Афсуски, Россияда кадетлар мактабида тахсил олиб, озми-кўпми замонавий Европа маданиятидан хабардор бўлган Амир Олимхон ўз салтанатида халқ аҳволини яхшилашга қаратилган ислохотларни амалга оширишга, ўзи ва атрофидаги кўплаб амалдорлар ҳам ботиб қолган залолат ботқоғидан оёқ узишга ўзида куч тополмайди, салтанати остонасида турган хавфни англаб етолмайди, омма аҳволининг кун сайин ёмонлашиши, зулм-ситамнинг авж олиши манғитлар сулоласини тарих сахнидан супуриб ташлаши мумкинлигини сезмайди ёки сезишни истамайди. Бу эса 1918 йил март ойидаги Колесов воқеаларининг тезлашишига сабаб бўлди. Ўшанда Туркистон автаном республикаси Халқ Комиссарлари Шўроси раиси Колесов бошчилигидаги яхши режага эга бўлмаган кўшин оз сонлик бухоролик “қўзғолончилар” билан Когондан туриб, Бухорога ҳужум қилади. Колесов авантюраси барбод бўлгач, дарғазаб амир Карманадан Қорақўлгача бўлган салкам 100 қақиримлик темир йўлни кўпориб ташлашни буюради. Ўшанда

амирнинг кутқусига алданган бир гуруҳ темир йўл атрофидаги қишлоқларда яшовчи қоракўллик оломон тегишли ҳудуддаги темир йўлни кўпориб ташлаган, бунинг устига пахта тозалаш заводини ҳам вайрон қилган ва афсуски, ҳеч бир гуноҳсиз оддий европалик, кавказлик ва яҳудий ишчиларни ва уларнинг баъзи оила аъзоларини таҳқирлаган, ўлдирган эди. Иккинчи томондан эса, бу воқеалар содир бўлаётган пайтда Қоракўлга Когондан одамлар “темир вагон” деб атаган махсус бронепоездда қизил аскарлар етиб келади ва темир йўлдан 1 километргача радиусда бўлган қишлоқларга бостириб кириб, уйларга ўт қўяди, қўлга тушиб қолган кишиларни улар ҳам ўз навбатида таҳқирлашади. Одамлар уй-жойларини, мол-мулкни ташлаб чекка қишлоқларга қочиб кетишга мажбур бўлади. Натижада кўп қишлоқлар бир муддат ҳувиллаб қолган. Амир ҳам адолатли сиёсат юргизган эмас. Ш.Камоловнинг ёзишича, «Қоракўл туманидан ярим йил ичида 200 одам, 138 та от, 700 минг танга солиқ, 280 ботмон дон ундирилган». Қоракўл миршаббошиси Жалолбек ҳамда унинг кўлидаги миршаблар – Саидкўр, Ҳалимжонов, Баҳромхўжалар юзага келган вазиятдан фойдаланиб, кўп одамларнинг ҳаётига зомин бўлишган.

Маълумотларга кўра Сулаймонхўжа чойфуруш ва Карим оқсоқолнинг ўғли Ҳайдар Каримов Қоракўлдаги жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан ҳисобланишган. Афсуски, жадидчилик (“ёш бухороликлар”) ҳаракатида юзага келган икки оқим туфайли уларнинг ҳам танлаган йўлида ажралиш содир бўлган. Сулаймонхўжада сўл ғояларга, Ҳайдар Каримовда (унинг раҳнамоси Чоржўйда турган Аббос Алиев эди) эса кўпроқ коммунистик ғояларга мойиллик кучли бўлган ва улар ўз танлаган эътиқодларининг қурбонига айланишади. 1919 йилда Сулаймонхўжа Бухоро аркида, Ҳайдар Каримов эса Чоржўйда вилоят беки Салимбек ҳукми билан дорга осиб ўлдирилади. Худди шу йили Қаршида таниқли маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий билан бирга қоракўллик Жўра исмли муллавачча-жадид йигит ҳам қатл қилинган эди.

Колесов воқеаси юз бергач, Бухоро амирлигининг Советлар Россияси билан савдо-иқтисодий алоқаларига жиддий путур етади. Натижада Қоракўл пахта тозалаш заводида қайта ишлан-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5625> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5625> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5625>